

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БҮЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ
қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

**“ЮРИСПРУДЕНЦИЯ СОҲАСИДА
ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР
БИЛАН ИШЛАШ”**

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

- С.Ражаббоев – ТДЮУ “Умумтаълим фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

- М.Якубов – ТАТУ Ахборот технологиялари кафедраси профессори, т.ф.д.
- А.Каримов – ТДЮУ “Умумтаълим фанлар” кафедраси доценти, ф.-м.ф.н.

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	18
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	37
IV. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	44
V. ГЛОССАРИЙ	46
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	49

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарориларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг илғор таълим технологиялари ва таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши сувларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогнинг касбий фаолиятида ахборот ва ахборот тизимларини татбиқ қилиш методлари, шахсий ва касбий web-саҳифалар, мультимедия имкониятларини қўллаган ҳолда тақдимот материалларини яратиш воситалари билан таништириш, шунингдек интернет қидирув тизимлари турлари билан танишиш ва улардан ахборот излашда фойдаланиш, ҳуқуқий ахборот тизимларини ўқув жараёнга татбиқ қилиш, электрон шаклдаги ўқув материалларини яратиш имкониятини берувчи дастурый маҳсулотлар билан ишлаш, олий таълим сифатига таъсир ўтказадиган электрон таълим имкониятларини очиб бериш модулнинг мақсади ва вазифаларини ташкил этади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ҳукуқшунослик соҳасида электрон ресурслар билан ишлаш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- педагогнинг ахборот ва ахборот тизимлари турларини;
- компьютернинг дастурый таъминотидан фойдаланишни;
- ҳуқук соҳасига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни билиши керак.

Тингловчи:

- таълимни ташкил этиш принциплари;
- таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситалари, ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурый воситаларнинг турлари;
- ўқитища казус ва муаммоли саволлар тузиш;
- таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда педагог ҳуқуқий ахборот тизимларида ишлаш;
- интернет қидирув тизимларидан ахборотларни қидириб топиш;

- web-саҳифалардан ахборот олиш ва уларга турли маълумотларни жойлаштира олиш;
- очиқ онлайн курсларидан фойдалана олиш бўйича **малакалариға** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- хуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини ажрата олиш;

- ўкув жараёнини назарий тайёргарликнинг хуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантириш, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Хуқуқшунослик соҳасида электрон ресурслар билан ишлаш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Хуқуқшунослик соҳасида электрон ресурслар билан ишлаш” модули “Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Жиноий-хуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ қўнималари”, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар хукуқий ахборот тизимларида ишлашни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолаш, халқаро илмий-техник маълумотлардан фойдаланиш, электрон таълимий ресурслар тайёрлашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат	
			Аудитория ўқув юкламаси	
			Назарий	Амалий
1.	Хукуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси	2	2	
2.	Электрон хукumatнинг имкониятларидан фойдаланиш	2		2
3.	Мультимедиали электрон ўқув материаллари тайёрлаш технологиялари	2		2
	Жами	6	2	4

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўнигма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Хукуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси

Хукуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва тузилмаси. Хукуқшунос педагог фаолиятида ахборот тизимлари воситаларидан фойдаланиш. Хукуқий соҳа ахборот қидирув тизимларини (Yurida, Норма, LexUz) ўқув жараёнга татбиқ қилиш.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

2-мавзу. Электрон ҳукуматнинг имкониятларидан фойдаланиш

Электрон ҳукумат. Электрон ҳукумат асослари, элементлари, модуллари. Электрон ҳукумат доирасида ташкил этилган веб-порталлар билан ишлаш.

3-мавзу. Мультимедиали электрон ўқув материаллари тайёрлаш технологиялари

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Электрон ўқув материаллари тайёрлаш технологиялари. Мультимедиали электрон ўқув материаллари яратиш имкониятини берувчи дастурларни ўрганиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг
- мини-маърузалар ва сухбатлар;
- ақлий хужум ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия и диспутлар (даллил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гурухларда идрок ҳаритасида ишлаш (хамкорликда ишлашга ўрганилади).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзуусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сонли Фармони.

Махсус адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. - Т.: Фан, 2007.
2. Гейн А. Г. Изучение информационного моделирования как средство реализации межпредметных связей информатики с дисциплинами естественнонаучного цикла: Автореф. ... канд.пед.наук. - М., 2000.
3. И.Альджанова “Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компитентликни шакллантириш воситаси сифатида” Педагогик таълимжурнали, 2012 йил 4-сон, 46-бет.
4. С.Мусаева “Портфолионинг мақсад ва моҳияти” Педагогик таълим журнали, 2013 йил 1-сон, 20-бет.
5. У.Бегимкулов, Т.Шоймардонов и др. Информационно-методическое обеспечение непрерывности образовательного процесса на основе электронного сопровождения. Материалы международной конференции. Санкт-Петербург (Россия), 2012 год, 5 стр.www.portfolio.bimm.uz электрон портфолио тизими.
6. David Moursund Introduction to Information and Communication Technology in Education., Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 97405 moursund@oregon.uoregon.edu
7. Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA.
8. Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 726

Электрон таълим ресурслари:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.infocom.uz
4. www.ziyonet.uz
5. www.edu.uz
6. www.wikipedia.org

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарали шакллари

- бинар маъруза;
- бит дарс;
- дебатлар;
- вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг ва бошқ.

Дарс ўтиш турлари:

Дарс –

- 1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли;
- 2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми.

Бинар дарс – таълим олувчилар билимдонликни таркиб топтириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

Бит-дарс – таркибида сухбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олувчи мусобақа характеристидаги қизиқарли дарс.

«Деворсиз мактаб» – театр, музей, суд зали, қўргазма, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил этиладиган ўқув жараёни.

Дебатлар – икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган команда (гурух) иштирокчиларнинг олдиндан тайёрланган чиқишларига асосланган расмий мухокама.


Де брифинг – амалга оширилган фаолиятни ўрганиш ва фикрлаш даври.

Инновацион үқитиши методлари



Идрок харитаси- методи

Методда очиб бермоқчи бўлган мавзуни марказга жойлаштирилади. Мавзу ёки муаммони ечиш учун бажармоқчи бўлган бўлимлар шоҳча шаклида чиқарилади. Ҳар бир шоҳчаларни яна очиш мумкин бўлган бўлаклари давом этади. Бу шоҳчаларни кўплиги ва чуқурлиги бажарувчини шу мавзу ёки муаммо ҳақида кўп маълумотга эканлиги яни яхши ўзлаштирганлигини англатади.



Кейс-стади методи

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўкув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

Кейс турлари

Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи. Қоидага кўра, кейс уч қисмдан иборат бўлади:

- 1) кейсни таҳлил этиш учун зарур ёрдамчи ахборотлар;
- 2) аниқ вазият баёни;
- 3) кейс топшириғи.



Босма ҳолатдаги кейс (уни янада күргазмали бўлишини таъминлайдиган график, жадвал, диаграмма, иллюстрацияларни ҳам ўз ичига олади).



Мультимедиа-кейс (сўнгги вақтларда кенг кўллашни талаб этаётга



Видео кейс (фильм, аудио ва видео материаллардан иборат бўлиши мумкин).

КЕЙС-ТОПШИРИГИНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТРАТЕГИЯЛАР

**Инцидент
(ахборотни
қидириш)**

Маълумотларни
таҳдил этиш
(ишбоп
корреспонден-
ция)

**Ўйин
тарзида
лойиҳалаш**

**Вазиятли-
ролли ўйин**

Мунозара

**SWOT
таҳдил**

Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:



Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижা

Кейс: Ёш мутахассис биринчи суд ишини кўриб чиқаётганида жуда мураккаб ишни қарорини қабул қилишига тўғри келди. Бунда Англия судларини қоидаларига риоя қилган қолда олдинги шунга ўхшаш ишларга малакали судялар қандай қарорлар чиқарганини кўриши ва улардан хulosа қилиши учун қандай йўл тутиши керак. Архивлардан ишларни кўтариш ва запрос бериши учун анча вақт кетади. Қарорни эртага чиқариши керак. Муаммони ечимини ва натижаларини беринг.

Синквейн методи

Синквейн усули – ахборотни лўнда, қисқа баён қилиш, воқеа, ҳодиса, жараённи бир неча сўзлар билан ифодалашдир. Синквейн французча “беш” - деган таржимани беради. Бу муаммоли масала ёки саволни бешта босқич орқали ечимини топишни англатади.

1 босқич (от–ким? ёки нима? саволларга жавоб беради) – муаммоли саволда кўзда тутилган қурилма, тушунча ёки предметни номини аниқлаш керак бўлади.

2 босқич (сифат–қандай? Қанақа?) – биринчи босқичда аниқланган тушунча ёки предметни иккита сифат белгисини бериш керак.

3 босқич (феъл–нима қилди? Нима қилади? Нима қиляпди?) – предметни учта феъл билан ифодалаш лозим бўлади.

4 босқич – предметни тўртта сўз билан вазифасини ифодоловчи жумла тузилади.

5 босқич – тушунча ёки предметни синоними берилади.

Муаммоли савол: Комптернинг қандай қурилмаси ёрдамида интернетга уланиш мумкин? Синквейн усулида таҳлил қилинг.

От

ikkita sifat

uchta fe'l

to'rtta so'zdan iborat jumla

otning sinonimi

Синквейн усулини структураси

1-босқич – компьютернинг **модем** қурилмаси ёрдамида интернетга уланиш мумкин.

2-босқич – ички modem, ташқи modem.

3-босқич – модуляция қилади, демодуляция қилади, ахборот узатади.

4-босқич – Интернет орқали ахборот алмашинилади.


5-босқич – коммуникация.

Тингловчи битта оддий саволга modem деб жавоб бериш билан кифояланмасдан, балки modem турлари вазифаси имкониятлари ва уни яна қандай номлаш мумкинлигини таҳлил қилишга ундаимиз. Бундан ташқари гап тузиш қоидасини яъни сўз турқумларини ҳам билиши зарур бўлмоқда. Бу усул ёрдамида тингловчи масалани ёки саволни таҳлил қилишга ўрганади.

Эйлер-Венн диаграмма- методи

Эйлер-Венн диаграммаси – ушбу усул ёрдамида фанлараро боғлиқликларни акс эттириш мумкин. Венн диаграммаси иккита доирадан ёки ундан ортиқ доиралардан иборат бўлади. Ҳар бир доира алоҳида битта фанни акс эттирса, уларнинг кесишигани жойи иккала фанни бирлаштирадиган қисмини англагади.

Тингловчилар учун иккала доира хусусиятларини санаб бериш ва иккаласини кесишигани қисмини изоҳлаб таҳлил қилиши лозим бўлади. Керак бўлса, исботлаб бериши лозим бўлади.



Эйлер-Венн диаграммаси

Худди шу каби учталик доирадан иборат Венн диаграммасини тўлдириш мумкин. Кесишган қисмини батафсил изоҳлаш мумкин. Ушбу усул ҳам муаммони таҳлил қилишга ўргатади.

Кластер – методи

Кластер усули – *Фикрларни тармоқлаши* бу педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларнинг бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бераб, мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равища кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.


Фикрларни тармоқлаш қўйидагича ташқил этилади:

- 1. Mavzuni aniqlash**
- 2. Mavzu bo'yicha xayolga kelgan har qanday fikr ketma-ket yoziladi**
- 3. Fikrlar tugamaguncha yozishni davom ettirish kerak**
- 4. Fikrlarning ketma-ketligi va o'zaro bog'liqligini ko'paytirishga harakat qilish zarur**

Кластер усулини структураси

Қўйидаги кўринишдаги кластерни яратиш мумкин. Бу босқич ҳоҳлаганча давом эттириш мумкин. Тингловчи қанчалик кластерни шоҳларини кўп ва тўғри тўлдирса кўп билимга эгалигидан далолат беради. Масалан: Тармоқ тузилишини кластерда структуралаб беринг. Қўйида

иккита босқич кўрсатилган, бу давом этиб бир нечта босқич бўлиши мумкин.



Кластерни аксинда кўллаш ҳам мумкин мавзуни тармоқланган структурасини бериб, тармоқлар тўғри тақсимланганли ёки хато бўлса, қаерда хатоси борлигини аниқлаш вазифасини бериш билан тингловчини билимини аниқлаш мумкин.

“Беш минутлик эссе”. Ёзма топшириқнинг ушбу тури тингловчиларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз тингловчилари ўкув материали билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради. Аниқ қилиб айтганда, тингловчилардан қуидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта савол беришни сўралади.

«Ақлий ҳужум» методи

Ақлий ҳужум – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тұғридан-тұғри жамоали ақлий хужум – иложи борича күпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайды. Бутун үқув гурухы (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий хужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси

Режа:

1. Lex.Uz сайтида ахборот қидириш усуллари.
2. Ҳуқуқий ахборот тизимларининг таснифи.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. “NORMA” ҳуқуқий ахборот қидириув тизими.

Таянч иборалар: Lex.uz, NORMA, YURIDA, функционал панел, файл, тизим, меню, хужжат излаш, классификатор.

Lex.Uz сайтида ахборот қидириш усуллари

Мақсад: педагогик фаолиятда интернет тармоқ ва унинг имкониятларидан фойдаланиш ва таълимга тадбиқ қилишга ўрганиш.

Таълимий воситалар: дастурий таъминот, техник таъминот, мультимедияли компьютер қурилмалари, флипчарт, маркерлар.

Проектор ёки флипчарт доскада тизим турларини Синквей усулида таҳлил қилиш:

От _____
иккита сифат _____
учта феъл _____
тўртта сўздан иборат жумла _____
отнинг синоними _____

Қўйида келтирилган жадвални ушбу LexUz ҳуқуқий база имкониятлари бўйича тўлдириш вазифаси берилади.

Локал тармоқ	Минтақавий тармоқ	Глобал тармоқ
...

Тўлдириш даврида ҳар бир тармоқни мутахассислик ёки дарс даврида қандай фойдаланиш мумкинлиги изоҳланishi керак.

Ахборот тизимларининг элементлари¹.

¹ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 27

- компьютер тизими
- телекоммуникация тизими
- ахборот тизими
- корхона тизими.

Замонавий ташкилот ва корхоналарда иш фаолиятини автоматлаштириш энг муҳум вазифалардан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 3080-сонли Фармонини бажариш ва АҚТ соҳасидаги стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар юзасидан 2002-2010-йилларда “Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” дастури тасдиқланди.

АҚТни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- телеқоммуникациялар инфратузилмасини ривожлантириш;
- интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;
- компьютер техникаси билан таъминлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш;
- компьютер техникаси билан таъминлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш;
- дастурий маҳсулотлар индустрисини барпо этиш;
- ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;
- АҚТ соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш.

Электрон архив ҳужжатлар ёрдамида ишлаш иш фаолиятини тезлаштиради. Ҳужжатларни қидириш, тўплаш, сақлаш ва уларни бошқариш автоматлаштирилган тизимларда бажарилади. Бундай автоматлаштирилган тизимларни “ахборот тизимлари” дейилади.

Автоматик АТларида ахборотларни қайта ишлаш бўйича барча амаллар инсон иштирокисиз бажарилади. Автоматлаштирилган АТларида маълумотларга ишлов бериш жараёнида ҳам инсоннинг, ҳам техник воситанинг иштироки назарда тутилади. Бунда компьютерларга асосий ўрин берилади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини уларда қўлланилаётган ахборотларга кўра таснифлаш ҳам мумкин. Автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари қидирилаётган обьектнинг фарқланишига қараб ҳужжатли ва фактографик турларга бўлинади.

Ҳужжатли АТларида қидирув обьекти ҳужжатлар, уларнинг нусхалари ёки библиографик изоҳлари ҳисобланади. Фактографик АТларида қидирилаётган обьектлар аниқ фактлар ёки ҳодисаларни тавсифловчи маълумотлар бўлади. АТни амалий қўлланиш тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда техник ҳисоблаш, аналитик ва мантиқий мураккаблик даражаси бўйича таснифланади:

- ✓ маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимлари;
- ✓ автоматлаштирилган маълумотнома-қидирув тизимлари;
- ✓ автоматлаштирилган иш жойи;
- ✓ автоматлаштирилган бошқарув тизимлари;
- ✓ эксперт тизимлари.

Автоматлаштирилган иш жойи мутахассиснинг касбий меҳнатини автоматлаштириш учун мўлжалланган техник ва дастурий воситаларнинг мажмуидир. Ҳуқуқшуноснинг иш предмети – бу ахборотдир. Барча ҳуқуқшунослар ахборот тўплаш, йиғиш, таҳлил қилиш ва улар асосида ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Ушбу ахборотларни бир неча усуллар билан олиш мумкин. Қоғозли ҳужжатларни ўрганиб чиқиши усули билан, бир неча адабиётларни таҳлил қилиши усули билан ёки энг қулай усул автоматлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш билан ахборот йиғиш мумкин.

Ҳуқуқшуносларнинг иш фаолиятини қулайлаштириш мақсадида бир нечта ҳуқуқий ахборот қидирув тизимлари ишлаб чиқилган.


Булардан:

- *Норма* – ҳуқуқий ахборот қидирув тизими;
- *Yurida* – ҳуқуқий ахборот қидирув тизими;
- *LexUz* – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами миллий базаси;
- *Право* – Россия ҳуқуқий ахборот қидирув тизимига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари базаси жойлаштирилган.

Ҳуқуқий ахборот тизимларининг таснифи

“Yurida” ҳуқуқий ахборот тизими ўз ичига қўйидагиларни жамлаган:
Ўзбекистон Республикаси қонун ва кодекслари;

Конституциявий суд, Олий Мажлис қарорлари;
Президент фармон, фармойиш ва қарорлари;
Президент асарлари ва маърузалари;
Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари;
Адлия вазирлигига рўйхатта олинган қўмита ва вазирликларнинг идоравий, меъёрий хужжатлари;
Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари;
Амнистия актлари, уни қўллаш бўйича низомлар;
Фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича суд амалиётидан мисоллар;
МДҲ давлатлари кодекслари, қонунлари;
Халқаро шартнома, конвенция, битимлар ва бошқа ахборот тарзидағи маълумотлар.



«YURIDA» дастури базасида 57.000дан ортиқ ҳужжат мавжуд.

«YURIDA» ҳуқуқий ахборот тизими компьютер дастурида ҳужжатларни қидириш жуда ҳам осонлик билан амалга оширилади, ойнанинг юқори қисмида маҳсус қидириш панели мавжуд. Бирон-бир сўз киритилиши билан барча номида шу сўз бўлган ҳужжатлар рўйхати пайдо бўлади. Масалан: номида «реклама» сўзи бўлган ҳужжат керак.

Номи	Сана	Р...	Тур
Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари рекламасини а...	14.04.1995	135	Низом
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш ва ракобатни р...	16.03.2007	3	Карор
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш ва ракобатни р...	02.06.2010	105	ВМ карори
Рекламани реклама килиш ехд маликатинизда реклама тайер...	15.02.2012	2	Илмий макола
Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида	26.03.2001	4	Карор
Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартирислар кир...	05.11.2012	11	Карор
Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартирислар кир...	30.06.2010	8	Карор
Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартирислар кир...	14.02.2003	1	Карор
Реклама хизмати кўрсатиш шартномаси бўйича жавобгарликнинг ...	22.02.2012	2	Илмий макола
Реклама хизмати кўрсатиш шартномаларини бажариш мезонлари	15.12.2011	12	Илмий макола
Реклама тўғрисида	25.12.1998	723	Конч
Реклама табака, табачных изделий и алкогольных напитков любой...	12.07.2011	10-100...	Кассация карори
Реклама кончунлигини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг й...	15.01.2008	1	Илмий макола
Реклама кончуний бўлсин	15.08.2011	8	Илмий макола

Ундан ташқари, хужжатларни қуидаги қўшимча параметрлар бўйича ҳам қидириш мумкин:

1. Хужжатнинг номи;
2. Хужжатнинг санаси ёки бирор-бир интервал оралиғи;
3. Хужжатнинг рақами;
4. Хужжатнинг матнидаги сўзлари бўйича.


Номи	Сана	Р...	Тур
«Реклама тўғрисидағы Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзг...	30.08.2002	404	Конунига ўзг. ва кўш.
«Реклама тўғрисидағы Ўзбекистон Республикаси Конунига ханд...	17.09.2010	259	Конунига ўзг. ва кўш.
«Реклама тўғрисидағы Ўзбекистон Республикаси Конуни амал...	25.12.1998	7241	Олий Мажлис кар...
«Реклама тўғрисидағы Ўзбекистон Республикаси Конуни амал...	26.06.2000	243	ВМ карори
«Реклама тўғрисидағы Ўзбекистон Республикаси Конунининг 16-...	10.04.2008	150	Конунига ўзг. ва кўш.
«Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида	14.10.2010	1634/2	Карор

Мазкур юқорида кўрсатилган усуслар тез қидириб топишда фойдаланилади. Агар бирон-бир папқани белгилаб, унинг ичida қидирилса, мазкур папкадаги хужжатлар орасидан қидиради.


Кейинги усул (глобал қидирив – хужжат параметрлари бўйича қидириш):

Кичик ойна менюсининг **ХУЖЖАТЛАР** устунидаги қидириш буйруғи ёки мавжуд хужжатлар рўйхати турган ўнг ойна устидаги **ҚИДИРИШ БЕЛГИСИНИ** ёки **CTRL+F** босиш орқали қидириш ойначасига кирилади.


Пайдо бўлган ойначада изланаётган хужжатга хос параметрларни керакли катакларда тўлдириш лозим. Хужжатнинг қанча кўп параметри тўғри киритилса, шунча тез ва аниқ топилганлар рўйхатига чиқарилади.



Ундан ташқари, қулайлик учун, қидириш тарихи ҳам мавжуд. Бунда қидириш натижасида топган ҳужжатларингиз рўйхати сақланади.



Қидириш тарихидан бизга кераклиларини белгилаб олишимиз мумкин, бунинг учун сичқончанинг кўрсаткичини устига олиб бориб 2 маротаба чERTSAK етарли. Шунда дастур кейин юклаганда ҳам қидирилган ҳужжатлар рўйхати қидириш тарихида сақланиб қолади. Ҳужжатлардан фойдаланиш мавжуд ҳужжатлар базасига асосий ойна менюсининг ФАЙЛ устунидаги ОЧИШ буйруғи орқали ёки ОЧИШ тутмасини босиш орқали кирилади.



Пайдо бўлган ойна кичик менюси туркум устуни актив ҳолатида чап ён ойначада ҳужжатлар базасининг йигма жилдлари рўйхати вертикал ҳолатдаги кўринишида жойлаштирилган, актив йифмажилддаги мавжуд ҳужжатлар ўнг ойначада намоён бўлади. Ҳужжатларнинг бундай жойлашиши классификатор ва органлар устунининг актив ҳолати учун ҳам ўринлидир (ушбу ҳужжатларни номи, санаси ва тури бўйича тахлаш мумкин).


Ҳужжатларни саралаш учун устунларнинг номланишига сичқонча тугмасини бир марта босиш етарли. Сичқонча тугмаси босилиши билан ҳужжатлар рўйхати ўсиб бориш ёки камайиб бориш тартибида тахланади.

Номи	Санас	Р.	Тип	Ад...
О вопросах организации деятельности Национальной компании эк...	28.02.1997	113	ВМ карори	
«Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, азабийт, санъат в...	07.06.2007	113	ВМ карори	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси худоридаги Давл...	09.03.2004	113	ВМ карори	
Об организации деятельности Комитета по управлению государст...	09.03.2004	113	ВМ карори	
О создании совместного предприятия по производству штанговса...	14.04.2011	113	ВМ карори	
Об образовании центра исследований проблем приватизации, раз...	09.06.2006	113	ВМ карори	
Об утверждении межправительственных соглашений	30.03.2000	113	ВМ карори	
О дополнительных мерах по реализации проекта «Совершенство...	04.07.2005	113	Президент карори	
Ҳужжатларнинг битинни тасдиқлаш тўғрисида	30.03.2000	113	ВМ карори	
О внесении дополнения в положение о порядке выплаты военносл...	17.04.2012	113	ВМ карори	
Ўзимилликлар карантини тўғрисида	31.08.1995	113	Коён	
Ўзбекистон Республикаси Қуоролли Кучларининг харбий хизматчи...	17.04.2012	113	ВМ карори	
Ўзбекистон Республикаси Давлат муслиқийнинг хизбидар хусус...	09.06.2006	113	ВМ карори	
«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЕАЖнинг янги автомобиль модел...	14.04.2011	113	ВМ карори	
Об утверждении образца диплома и описание нагрудного знака ла...	07.06.2007	113	ВМ карори	
О внесении изменений в Национальный стандарт булгарларского ...	09.10.2003	113	Бўйрук	13.10.2003 879-1
«Антекс», «Каштекс», «Кува» ва «Гурлан» тўқиманилик комплек...	20.03.1996	113	ВМ карори	

Ўнг ойнада пайдо бўлган керакли ҳужжатлар сичқонча тугмасини икки марта босиш орқали очилади. Shift тугмасини босиб туриб сичқонча чап тугмасини 2 марта (ёки керакли ҳужжат устида сичқонча ўнг тугмаси босилганда пайдо бўладиган менюдаги янги ойнада очиш бўйруқни) босиш орқали фойдаланиш учун янги ойнада яна бошқа ҳужжатни очиш мумкин.

Номи	Сана	Р...	Тур
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига кўш...	11.04.2008	152	Конунга ўзг. ва кўш.
«О внесении дополнения в статью 58 Уголовного кодекса Республ...	11.04.2008	152	Конунга ўзг. ва кўш.
Решение N 152 Межгосударственного Совета ЕврАзЭС о дополнен...	09.02.2004	152	Карори
О поощрении участников Второй мировой войны.	03.05.2002	152	ВМ карори
Мадданий бойтчиликни олиш тартиби	25.05.2011	152	ВМ карори
Иккичи жаҳон очиш	03.05.2002	152	ВМ карори
Янги ойнада очиш	25.05.2011	152	ВМ карори
Об установлени...	23.03.1993	152	ВМ карори
P 152	28.12.2006	152	ОҲС Раёсат қарори
Об утверждении...	30.06.2005	152	ВМ карори
Марказлаштирилган манбалар хисобига курилаётган объекслари...	27.03.2001	152	ВМ карори
О закупке зерноуборочных комбайнов и пакотных агрегатов	02.04.1999	152	ВМ карори
О мерах по дальнейшему расширению сотрудничества с Финляндия...	31.07.2006	152	ВМ карори
Рекомендация 152 о процедуре трехсторонних консультаций для с...	21.06.1976	152	Тавсия

ёки ҳужжатни янги ойнада очишни мазкур тугмалар орқали ҳам амалга ошириш мумкин.



Қонун нормасини у билан бошқа ҳужжатларнинг боғлиқлигини кўрсатиш ойнаси

190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш
Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус руҳсатнома олмасдан шуғулланиш шундай ҳароатлар учун маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -
энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмеш беш бараверигача миқдорда жаримга ёки беш йилгача муддатга **вхлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланади.

190-модда 1-кисмнинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-й-сон Конуни таҳририда - Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус руҳсатнома олмасдан шуғулланиш:

- хевфли рецидивист томонидан;
- бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил биринкириб содир этилган бўлса, -
энг кам ойлик иш ҳақининг етмеш беш бараваридан юз бараверигача миқдорда жаримга ёки ойига **қамоқ** билан жазоланади.
- (190-мода 2-кисмнинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-й-сон Конуни таҳририда - Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

191-модда. Конунга хилоф равиша аҳборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш
Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби аҳборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш максадида ҳар қандай үсулда тўплаш -
энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравerigacha миқдорda жарima ёki ikki yilgacha **вхлоқ тузатиш ишлari** билan жazolanaadi.

191-модда 1-кисмнинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-й-сон Конуни таҳририда - Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда)

Сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савdoга oид va boшқa shu kabi aҳborotni egasining roziliygisisiz **қасдсан** oshkor qiliш ёki undan foydalaniш x'jalalik yurituvchi sубъектga **kўп ниқорда зараъ etkazgan bўlsa, -**
энг кам ойлик iш ҳaқinining юz baравaridam ikki юz baравerigacha mиқdora жarima ёki ikki yilдан ych yilgacha **вхлоқ тузатиш iшlari** bўyud olyi oйiga **қамоқ** bilan jazolanaadi.

191-модда 2-кисмнинг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-й-сон Конуни таҳriриda - Oliy Mажlis Axborotnomasi, 2001 y., 9-10-som, 165-modda)

Илмий мақола
Бир қанча жиноят содир этиш институти Лицензиясиз фаолият маймурӣ жавоби

Кодекс
МЖТК 165-моддаси. Фаолият билан лиц МЖТК 167-моддаси. Видеоэзувли кассе МЖТК 176-3-моддаси. Автомобиль транк Солик кодексин (янги таҳriri)

ОСП карори
«Жиноят жазоларнинг либераллаштири Савdo соҳасидagi жиноятлар va boшқa»

Олий Мажлис қарори
«Жиноят жазоларнинг либераллаштири Савdo соҳасидagi жиноятлар va boшқa»

Қонун нормаси матнидаги тушунча, шарҳ берадиган, бошқа ҳужжатларни ўзаро боғлаб берадиган ҳавола (ссылка) сўзлар кўк рангда бўлиб, мазкур сўзларни сичқонча чап тутмаси билан бир марта босилгандан

шу сўз бирикмасига тушунча, шарҳ берадиган бошқа норматив хужжат матни янги ойнада пайдо бўлади. Расмдаги сонлар қуидагиларни билдиради:

- 1 – Тааллуқли хужжатлар ойначасини очади;
- 2 – Моддалар рўйхатини кўрсатади;
- 3 – Модданинг олдинги (бекор бўлган) таҳририни кўрсатади.

Курсор қайси моддада турса, шу моддага тааллуқли хужжатлар кўринади. Актив ойнада очик турган хужжатнинг бутун матни “Word”га экспорт қилиш тугмаси билан Microsoft Word таҳрир дастурига ўтказилади, шунингдек транслитерация тугмаси орқали матн кирилл алифбосидаги лотин алифбосига ўгирилади. “YURIDA” дастури бир вақтнинг ўзида бир неча ойна билан таққослаш, қиёслаш учун ишлаш имкониятини беради. Асосий ойнадаги хужжатлар билан ишлашда худди Microsoft Word дастуридаги каби буйруқ функциялари кўлланилади. “YURIDA” хуқуқий ахборот тизими компьютер дастурини ҳамда унинг базасини ўрнатиш (янгилаш) тартиби «YURIDA» дастурини Windows XP ва ундан юқори бўлган операцион системага ўрнатиш мумкин. «YURIDA» дастурини ўрнатиш «YURIDA» дастурини компьютерга ўрнатиш дискида дастурни ўрнатиш файли, масалан – Setup Yurida 6.6.3.1.exe, дастур базаси файли, масалан – Yurida baza 20012014 yurist.yrd файллари ҳамда dotnetfx папкаси мавжуд. SetupYurida 6.6.3.1.exe файлини ишлатиш орқали «YURIDA» дастурини ўрнатиш бошланади.


Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

LexUz - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли «Қонун хужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва хуқуқий ахборотларни тарқатишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида яратилди. LexUz нинг мақсади аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини қўтариш, қонунчилик хужжатларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни хуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштиришдан иборатdir. LexUz фойдаланувчиларга Интернет орқали норматив-хуқуқий хужжатларни олишга имконият яратади. Тизимдан фойдаланиш учун Интернетга уланган компьютер (ёки бошқа ускуналар) керак. Хужжатлардан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш мажбурий эмас. Рўйхатдан ўтиш тизимдаги қўшимча (норматив хужжатнинг ўзгаришларини кўриш, хужжатларни

кенгайтирилган параметрлари бўйича излаш, электрон почта орқали қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида хабар олиш каби) имкониятларидан фойдаланиш учун зарур.



LexUz фойдаланувчилари тизимдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиши мумкин. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармонлари, Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган идоравий норматив-хужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, техник ва бошқа турдаги ҳужжатлар мавжуд.



Ўзбекистонда ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни тарқатувчи бир неча дастурлар мавжуд. LexUz улардан қўйидаги афзаликлари билан ажралиб туради:

Мобиллик. LexUz тизимидан дунёning исталган жойидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фақат компьютер (ёки бошқа ускуналар) ва Интернет тизими керак бўлади. Қўшимча ҳеч қандай дастур ўрнатиш зарур эмас.

Қулайлик. Бошқа мавжуд дастурларни доимо янгилаб бориш лозим, бу эса фойдаланувчилардан қўшимча маблағ ёки вақт талаб қиласди. LexUz тизимидан фойдаланувчи бу ҳақда бош қотиришига ҳожат йўқ.

Ишончлилик. LexUz тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишлидир ва бу тизимга маълумотлар фақат расмий манбалардан киритилиши ишончлилигини таъминлайди.

Бепуллик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчиларнинг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланиши белгиланган.

Lex.Uz тизимида иккита излаш шакли мавжуд:

- ҳужжат номи;
- матндаги сўз ёки сўз бирикмаси;
- ҳужжат тури;
- ҳужжат шакли;
- нормативлик характери;
- ҳужжат тили;
- Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган рақами, рўйхатдан ўтган санаси;
- қўшимча ва ўзгаришлар киритиши бўйича.

Хужжатни қабул қилған органлар:

- орган номи ;
- қабул қилинганды сана;
- хужжат рақами.

Хужжатнинг амалдалиги:

- хужжат ҳолати;
- актуаллиги;
- кучини йўқотиш санаси (оралик);
- Кучини йўқотиш (оралик);

Расмий эълон қилиниш манбаси:


- расмий манба номи;
- расмий манба нашр рақами;
- расмий манба нашри йили;
- расмий манбадаги моддаси.

Классификаторлар ва кўрсаткичлар:

- Конунчилик тармоқлари умумхуқукий классификатори;
- қонунчиликнинг мавзуга оид қўлланмаси;
- тушунчалар ва терминлар қўлланмаси;

«LexUZ» ҲАТнинг бош саҳифасини очиш учун веб-браузерни (Internet Explorer, Mozilla Firefox, Opera, Google Chrome ва ҳоказо) ишга туширинг ва www.lex.uz манзилини теринг.

«LexUZ» ҲАТнинг бош саҳифаси тизим менюси ва бир нечта блоклардан иборат:



Тизим менюси – «LexUZ» ҲАТнинг муҳим имкониятлари ҳамда ахборот бўлимларига мурожаат қилиш учун ҳаволалар рўйхатидир.

Менюнинг ҳар бир банди бир нечта кичик бандлардан ташкил топган бўлиб, фойдаланувчи улар орқали қўшимча маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Менюнинг бандида «Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами» нашрлари, шунингдек юридик адабиётлар электрон шаклда жойлаштирилган.

1 LexUZ ҳақида Нашрлар Маълумотномалар Қонунчликнинг мазузли каталоги

2 Ўзбекистон Республикаси
Қонун хужжатлари тўплами

2015 2014 2013 2012 2011 2010

ЎР ЙХТ 24-сон (680) 2015 йил... ЎР ЙХТ 6-сон (662) 2015 йил... ЎР ЙХТ 41-сон (645) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 23-сон (679) 2015 йил... ЎР ЙХТ 5-сон (661) 2015 йил... ЎР ЙХТ 40-сон (644) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 22-сон (678) 2015 йил... ЎР ЙХТ 4-сон (660) 2015 йил... ЎР ЙХТ 39-сон (643) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 21-сон (677) 2015 йил... ЎР ЙХТ 3-сон (659) 2015 йил... ЎР ЙХТ 38-сон (642) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 20-сон (676) 2015 йил... ЎР ЙХТ 2-сон (658) 2015 йил... ЎР ЙХТ 37-сон (641) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 19-сон (675) 2015 йил... ЎР ЙХТ 1-сон (657) 2015 йил... ЎР ЙХТ 36-сон (640) 2014 йил ...
ЎР ЙХТ 18-сон (674) 2015 йил... ЎР ЙХТ 52(1)-сон 2014 йил 3 ... ЎР ЙХТ 35-сон (639) 2014 йил ...

3 Ўзбекистон Республикаси халқаро
шартномалари тўплами

2015 2014 2013 2012 2011 2010 2009 2008
2007 2006 2005 2004

ЎР ХШТ 2014 йил 4 (44)-сон
ЎР ХШТ 2014 йил 2-3 (42-43)-сон
ЎР ХШТ 2014 йил 1 (41)-сон
ЎР ХШТ 2013 йил 3-4 (39-40)-сон
ЎР ХШТ 2013 йил 1-2 (37-38)-сон
ЎР ХШТ 2012 йил 3-4 (35-36)-сон
ЎР ХШТ 2008 йил 3-4 (11-12)-сон
ЎР ХШТ 2008 йил 1-2 (9-10)-сон
ЎР ХШТ 2005 йил 2-4 (6-8)-сон
ЎР ХШТ 2005 йил 1 (5)-сон
ЎР ХШТ 2004 йил 3-4 (3-6)-сон
ЎР ХШТ 2011 йил 2 (2)-сон

Хужжатларни излаш

Излаш тизими барча фойдаланувчилар кириши мумкин бўлган **Излашнинг соддалаштирилган шакли** ҳамда фақатгина рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар кириши мумкин бўлган **Излашнинг кенгайтирилган шаклига** бўлинади. Излашнинг соддалаштирилган шакли «LexUZ» ҲАТнинг бош саҳифасида жойлаштирилган. Излашнинг соддалаштирилган шакли – маҳсус шакл бўлиб, хужжатларни тез топиш учун уларнинг энг кўп ишлатиладиган реквизитлари асосида яратилган. Хусусан: хужжатнинг номи ва/ёки матнидаги сўз, жумлалар, қабул қилинган санаси, рақами (Идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар учун Адлия вазирлигига рўйхатга

олинган санаси ва рақами), хужжат тури (рўйхатдан таналанади (қонун, фармон, қарор, йўриқнома, буйрук ва ҳоказо), орган (рўйхатдан танланди), хужжат тили (рўйхатдан танланди). Хужжатни излаш учун излаш шаклиниңг бир ёки бир нечта киритиш майдон- часига олдиндан маълум бўлган реквизитларни киритиш ва тугмаси ёки «Enter» клавишина босиш керак. Излаш натижасида тизим излаш шакли майдончалари тўлдирилишида киритилган реквизитларга тўла мувофиқ келадиган хужжатлар рўйхатини чиқариб беради.

Излаш шаклини тозалаш тугмаси орқали шаклни қидиув сўровларидан батамом тозалаш мумкин.


Излашнинг соддалаштирилган шаклиниңг хусусияти унинг шаклдаги излаш реквизитларига боғлиқлигидир. Бу Излашнинг соддалаштирилган шакли орқали қўйидаги вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради:

- «LexUZ» ҲАТнинг барча маълумотлар базалари бўйича хужжатларни излаш;
- маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари қарорларининг маълумотлар базалари бўйича хужжатларни излаш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларининг маълумотлар базалари бўйича хужжатларни излаш;
- Техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив хужжатларнинг маълумотлар базалари бўйича хужжатларни излаш.

Хужжатларни излаш қоидалари

Излаш шаклларида излашнинг мавжуд битта реквизитини ёки бир нечта реквизитларини ихтиёрий бирикмасини киритган ҳолда излашни амалга ошириш мумкин. Масалан: Сизга 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни керак. Ушбу Конунни топиш учун Излашнинг соддалаштирилган шаклининг қуидаги майдонларини тўлдиринг:

- Сўз, жумла киритиш майдонида – «таълим»;
- «Хужжат номида излаш» функциясига белги қўйинг;
- Қабул қилинган санаси – 01.01.1997 дан 31.12.1997 гача;
- Хужжат тури – Конун;
- Тили – ўзбекча.



Яна бир мисол: Сиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 8-сонли қарорини топмоқчисиз. Бунинг учун Излашнинг соддалаштирилган шаклининг қуидаги майдонларини тўлдиринг:

Қабул қилинган санаси – 08.09.2011.

«Аниқ сана» функциясига белги қўйинг;

Рақами – 252;

Хужжат тури – Қарор;

Орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Тили – ўзбекча.

Излаш тугмасини ёки «Enter» клавишиасини босинг.

Хужжатларни кўриш саҳифаси

Функционал панел

Топилган хужжат «сичқонча»нинг чап тугмаси билан босилганда функционал панели ва хужжатни ўқиш майдончасидан (хужжат матнидан) иборат бўлган хужжатни кўриш саҳифасида очилади. Функционал панел хужжатни кўриш саҳифасининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, унда қуидаги функциялар мавжуд:

- олдинги дарчага қайтиш;
- «Менинг танлаганларим» папкасига қўшиш;
- хужжатни кўрсатиш тилини танлаш;
- бир вақтда хужжатнинг икки тилдаги матнини қўриш;
- хужжатни чоп этиш;
- хужжатни MS Wordга экспорт қилиш ёки PDF форматда юклаб олиш;
- хужжат мундарижасини қўриш;
- хужжатнинг юридик таҳлил карточкасини қўриш;
- хужжатнинг олдинги таҳрирларини қўриш;
- фойдаланувчи учун керак бўлмаган элементларни кўрсатмаслик (норасмий элементлар: классификаторлар бўйича кодлар, шарҳлар матнлари ва ҳоказолар).

Бириклилган файллар

Кўп ҳолларда хужжатларда чоп этиладиган ва тўлдириладиган бланклар, хисботлар шакллари намуналари берилади. Уларни сифатли чоп этилиши ва тўлдирилишини таъминлаш мақсадида бундай намуналар LexUZда MS Word ёки MS Excel форматида киритилган. LexUZ хужжатларида матн қўринишида бўлмаган ҳамда матнларга бириклилган файлларга ҳаволаларни учратиш мумкин.

Буларга:

- MS Word и MS Excel форматдаги хужжатлар бланкалари;
- zip форматда жойланган файллар мисол бўла олади.

Хужжатлардаги бириклилган файлларни очиш учун операцион тизимда тегишли дастурий таъминотлар ўрнатилган бўлиши керак.

LexUzning мобиль версияси

LexUzning мобиль версияси хужжатларни мобиль қурилмаларда (смартфонлар, планшетлар, КПК) излаш ва қўриш имконини берадиган даражада соддалаштирилган. Мобиль версиясининг излаш шакли излашнинг энг кўп қўлланиладиган асосий реквизитларидан иборат.

Конституция бўлимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Кодекслар бўлимида Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, Қонунлар бўлимида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари хронологик тартибда жойлаштирилган.

Матндан излаш:
<input type="text" value="Изланайтган сўзни ки..."/>
<input checked="" type="checkbox"/> Хужжат номида излаш
Хужжат рақами бўйича:
<input type="text" value="Хужжат рақами"/>
<input checked="" type="checkbox"/> Адлия вазирлиги рўйхат рақами
Қабул қилингандан сана
дан: <input type="text" value="ттт/"/> гача: <input type="text" value="ттт/"/>
Хужжат тили: <input type="text" value="ҳаммаси"/> >
Хужжат шакли: <input type="text" value="ҳаммаси"/> >
Хужжатни қабул қилган орган:
<input type="text" value="ҳаммаси"/> >
••• Тозалаш •••
••• Излаш •••

“NORMA” Ҳуқуқий ахборот қидирув тизими

NORMA компанияси Ўзбекистон электрон маҳсулотлар бозорида 1999 йилдан бери фаолият юритади, ўзбек ва рус тилларида ҳуқуқий ва иқтисодий мавзуларда электрон ахборот қидирув тизимларини, картографик асосда электрон маълумотномалар ва бошқа электрон маҳсулотларни ишлаб чиқишига ихтинослашган. **NORMA** компанияси фаолият олиб борган йиллар мобайнида ишлаб чиқарган ахборот қидирув тизимларидағи норматив хужжатлар, тушунтириш, услубий ва маълумот материаллари сони 140 000 дан ошибб кетди, янги ҳамда тадбиркорлар ва турли тармоқ корхоналари раҳбарларига зарур маҳсулотлар мавжуд.

Электрон ахборот қидирув тизими – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги;

Электрон эксперт маълумот тизимлари:

- Амалий бухгалтерия;
- Кичик корхона электрон бухгалтери;
- Амалий солиқ солиши;
- Текшириш «А» дан «Я» гача;
- Кадрлар бўйича маслаҳатчи;
- Солиқлар: саволлар ва жавоблар;
- Экспорт-импорт операциялари;
- Корхона юристи;

- Қурилиш;
- Кичик корхона: ҳисоб, солиқлар, ҳукуқ;
- Божхона калькулятори;
- Умная подшивка;
- Моҳир тахлам.

Қуйида асосий NORMA ҳуқуқий ахборот қидирув тизими ойнаси берилган:

The screenshot shows the official website of NORMA (Norma.uz). The top navigation bar includes links for 'Бош саҳифа' (Home), 'Газеталар' (Newspapers), 'Электрон маҳсулотлар' (Electronic products), 'Семинарлар' (Seminars), 'Компания ҳақида' (About the company), and 'Ҳамкор ва мижозларимиз' (Partners and associates). Below this is a sidebar with icons and text for 'Қонунчиликда янги' (New in law), 'Парламентда янги' (New in parliament), 'Бизнинг шарҳлар' (Business reports), 'Қонун ҳужжатлари тўплами' (Collection of legal documents), 'NORMA нашриёти китоблари' (NORMA publishing house books), 'NORMA электрон маҳсулотлари' (NORMA electronic products), 'On-line ЎзР қонунчилиги базаси' (Online UzR Law Database), and 'ЖАВОБ БЕРАМИЗ! Маълумот хизмати' (Answer! Information service).

The main content area features a large banner for '2017 ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА' (2017 Continue Subscribing) with the text '31 октябрга қадар обуна бўлишига шошилинг ва қўшимча бонусларни олинг!' (Subscribe by October 31 and get additional bonuses!). Below the banner are two images: one of a modern building with a blue and white curved facade (dated 05.10.16) and another of a Toyota Center building (dated 04.10.16). To the right, there is a section titled 'Тадбиркорларнинг бизнес учрашуви' (Business cooperation of officials) featuring text about a Japanese delegation's visit to Tashkent.

Тақдим этилаётган ахборотнинг долзарблиги – доим янгиланадиган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, Хукумат қарорлари ва Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларига доир бошқа норматив ҳужжатларни долзарб ҳолатда сақланади.

Комплекс ёндашув: компания мижози турли манбалардан (босма, электрон) ахборот олиш имкониятига эга.

Электрон маҳсулотлар бўлимида шартномалар шакллари ва шу каби электрон хизматлардан фойдаланиш мумкин.

Қонун ҳужжатлар тўпламида керакли қонунларни қидириб топиш мумкин.

[Электрон маҳсулотлар](#) ▲

[Бизнинг маҳсулотлар](#)

[Шартномалар шакллари](#)

[Янгилашни юклаш](#)

[Семинарлар](#)

[Компания ҳақида](#) ▼

[Ҳамкор ва мижозларимиз](#)



Қонунчиликда янги



[Парламентда янги](#)



[Бизнинг шарҳлар](#)



Қонун ҳужжатлари тўплами



NORMA нашриёти китоблари

Хукуқий соҳани ахборатлаштиришда ахборот тизимлари катта роль ўйнайди. Хорижий тажрибаларни ўрганиб чиқиш натижасида барча хукуқий жараёнларни тизимга киритилганлигини гувоҳи бўламиз.

Ахборатлаштирилган тизимлар жуда кўп булар ёрдамида иш вақтини тежаш ва самарадорлик ошириш мумкин.

Хукуқшунос педагогларни республика миқёсида яратилган ахборат тизимларни билиши ва улардан ўз фаолиятида самарли фойдаланиши ўқув жараёнини сифатини оширади.

Хориж тажрибасини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, хорижий давлатларда ҳам хукуқий ахборот қидирув тизимлари мавжуд ва кўпгина давлатларда бу тизим хукumat порталининг ичida жойлашган.²

Назорат саволлари:

1. Электрон эксперт маълумот тизимларини сананг.
2. Lex.Uz, NORMA, YURIDAнинг имкониятларини тушунтиринг.
3. Ҳужжатларни излаш қоидаларини тушунтиринг: Lex.Uz мисолида.

Ҳужжатларни қидириш параметрларини айтинг: NORMA, YURIDA мисолида.

² legislation.gov.uk – Буюк британия норматив – хукуқий актлари базаси, congress.gov/legislation – USA норматив – хукуқий актлар базаси.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ўқув машғулотларининг асосий турларидан ҳисобланган маъруза, семинар, назорат ишлари, лаборатория дарси, консультация ўтказиш кабилар қаторида амалий машғулотларни ўтказиш ҳам алоҳида ўринга эга ҳисобланади. У ўқув ҳамда касбий-амалий кўникмаларнинг шаклланишига замин яратади.

Амалий машғулотларнинг таркиби ва мазмуни унинг амалдаги дидактик мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади: амалий кўникмаларни шакллантириш:

- касбий (келгусидаги касбий фаолиятида зарур бўлган муайян ҳаракатлар, операциялар бажариш);
- ўқув (ҳалқаро-хуқуқий фанлар доирасида кейслар ёки казуслар ечиш), яъни келгусидаги ўқув жараёнида муҳим бўлган.

Амалий машғулотлара тингловчилар назарий материалларни мустаҳкамлайди. Замонавий Ҳуқуқий ахборот тизимлари асослари бўйича малака ва кўникмаларини оширишда назарий билимлардан фойдаланган ҳолда амалий топшириқларни бажаради. Топшириқларни бажаришда тарқама материаллардан, мавзуга оид мақола, тезислардан ва хорижий адабиётлардан фойдаланилади.

1-амалий машғулот. Электрон ҳукуматнинг имкониятларидан фойдаланиш

Электрон ҳукумат - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими. Давлат органлари фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига, давлатнинг бошқа соҳаларига ва давлат органлари ходимларига давлат хизматларини тақдим этишининг самарали усулини назарда тутади, ахборот технологиялари, мобил технологиялар ва интернет томонидан тақдим этилган имкониятлардан максимал даражада фойдаланади унда давлат билан мурожаатчи ўртасидаги бевосита кўришувлар сони камаяди.

Электрон ҳукумат давлат томонидан тарқатиладиган ахборот ва телекоммуникацион инфратузилмага (электрон ҳукумат инфратузилмасига) асосланган. Уларнинг асосий қисми мамлакат бўйлаб бошқарув жараёнларининг бутун мажмуасини автоматлаштиришга асосланган ва давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада яхшилаш ва

жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий мулоқот харажатларини камайтиришга асосланган электрон хужжат айланиш тизими, давлат бошқарувининг автоматлаштириш тизими ҳисобланади. Электрон хукуматни яратиш миллий дастурлари хужжатларни бошқариш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ барча вазифаларни ҳал этишни амалга оширадиган давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич қуришни ўз ичига олади.

Мундарижа:

1. e-government моделлари
2. e-government вазифалари
3. Мақсад
4. Озарбайжон

Электрон хукумат моделлари

2017 йилга бориб, дунёда 4 та электрон хукумат моделлари танилган ва қўлланилган:

- Европа модели
- Англия-Америка модели
- Осиё модели
- Россия модели.

Европа модели. Ушбу модел барча европа Иттифоқи давлатлари томонидан амалга оширилиши керак бўлган, супранационал институтларининг мавжудлиги билан тавсифланади; ягона валютада, ягона ахборот маконида, янги якка ягона Конститутсияни тайёрлашда ва ҳоказолар билан намоён бўладиган юқори даражада интеграциялашув даражаси; европа ахборот майдонида ахборот муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик. Ушбу моделда технологиядан фойдаланиш асосан фуқаро-фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига қаратилган.

Англия-Америка модели. Модел АҚШ, Канада ва Буюк Британияда кенг қўлланилади. Қўшма Штатларда фуқароларга хукумат тўғрисида ахборот берадиган ахборот узатиш йўллари яратилган. Барча хизматлар очик, ошкора ва хукумат жамоатчилик учун катта масъулиятлидир. Буюк Британиянинг “Электрон фуқаролар, электрон бизнес, электрон хукумат. Ахборот даврида жамиятга хизмат қўрсатишнинг стратегик консепсияси” деб номланган дастури қуйидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган: тақдим этилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, ижтимоий ахборотдан самарали фойдаланиш, тўлиқ қамров учун шароит яратиш. Буюк Британия учун асосий мақсад, давлат хизматчиларини доимий такрорланувчи ишлардан озод қилишdir.

Осиё модели. Ушбу модел ўзига хос назорат турига эга. Асосий эътибор аҳолининг ахборот эҳтиёжларини қондириш ва ахборот технологияларини маданият ва таълим тизимиға жорий этишдан иборат. Мамлакат бўйлаб ягона ахборот маконини яратиш нафақат давлатнинг мавқеини мустаҳкамламоқда, балки демократиянинг асосий тамойилини ҳаётга татбиқ этади: халқ ҳокимиятнинг манбай.

Россия модели. Дастурнинг асосий вазифалари иқтисодиётнинг, давлат ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини ошириш, ахборотдан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш ва зарур хизматларни олишдир. Дастур доирасида жами тўққизта соҳани ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий қисми ҳокимиятнинг фаолиятида очиқлик ва давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштиришдир.

E-government моделларининг камчиликлари, айниқса, қурилишнинг дастлабки босқичларида анъанавий давлат ва коммунал хизматларни электрон шаклга ўтказишнинг кераксиз "механик" усулини ўз ичига олади. Давлат хизматларини электрон шаклга таржима қилиш одатда самарасиз ва эскирган меъёрий ҳужжатларни аниқлашни, уларни бекор қилиш, уларни бекор қилиш ва янги қонунлар, буйруқ ва қарорлар ишлаб чиқиш каби ишларни амалга оширишни ўз ичига олмайди. Бу эса, эксперт ишини мувофиқлаштириш ва жараёнларни тартиба солишининг мураккаб жараёнини ташкил этишни талаб қиласди. Бу иш учун. Электрон хукumat тузиш ишчи гурухлари асосан бюджетдан молиялаштириллади, улар давлат хизматчиларининг устунлигидадир ва бошқа экотизим иштирокчилари билан муросага эришиш мумкин эмас ёки қийин. Фуқаролар ва ташкилотларнинг фойдаланиш қулайлиги шубҳасиз, давлат хизматларини автоматлаштиришга қаратилган бундай технологик ёндашув, бизнес муҳитини сезиларли даражада яхшилайди ва субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмунини ўзгартирмайди. Бир қатор давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида анъанавий "қофоз" ишини бекор қилишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, анъанавий ва қофоз ишларининг дубликатлари, бу эса бюджет харажатларининг ҳар иккала жараённи қўллаб-қувватлаши ва мутахассислар учун иқтисодий самарадорлик ва ушбу ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида саволлар туғдиради .

Шу сабабли, электрон хукumatни янги моделларини топиш жараёни тўхтамайди, бу ахборот жамияти каби янги парадигмалар пайдо бўлишида намоён бўлади.

The screenshot shows the homepage of the my.gov.uz website. At the top, there is a navigation bar with links for 'Barcha xizmatlar' (All services), 'Portal haqida' (About the portal), 'Ro'yxatdan o'tish' (Registration), 'Kirish' (Login), and language selection ('O'Z'). The main header says 'my.gov.uz ga xush kelibsiz!' (Welcome to my.gov.uz!). Below the header is a search bar labeled 'Xizmat nomini kiriting' (Enter service name) with a magnifying glass icon. Underneath the search bar are three categories: 'Aholi uchun ommabop xizmatlar' (Services for citizens), 'Biznes uchun ommabop xizmatlar' (Services for business), and 'Sohalar' (Announcements). The 'Aholi uchun ommabop xizmatlar' section contains ten service icons arranged in two rows of five. Each icon has a small image and a brief description: 1. Bolani bog'chaga joylashtirish (Icon: blue square with house and person); 2. Toshkent shahrida va Toshkent viloyatida turar joyi bo'yicha hisobga qo'yish (Icon: blue square with document and person); 3. Sudlanmag'anlik (yoki sudlanganlik) to'g'risida ma'lumotnomalar (Icon: purple square with document); 4. Manzil-ma'lumot axboroti (Icon: green square with house); 5. Qurilish-montaj ishlarni amalga oshirish bo'yicha xabarнома yuborish (Icon: orange square with wrench and triangle). The second row contains five more services: 1. Shaxsiy uy-joyi borlig'i yoki yo'qligi to'g'risida ma'lumotnomalar (Icon: yellow square with house); 2. Hisoblangan ish haqi summalarini to'g'risidagi ma'lumot (Icon: pink square with document); 3. Notarius qabuliga yozilish (Icon: orange square with document and magnifying glass); 4. Ko'chmas mulk obyektiiga ta'qiq mavjudlig'i/yo'qligi (Icon: blue square with house and lock); 5. Soliqdan qarzi mavjud emasligi haqida ma'lumotnomalar (Icon: purple square with document). A blue button at the bottom right of this section says 'Barcha xizmatlar >'. The footer of the page includes links for 'Savollar va takliflar', 'Davlat xizmatlari uchun to'lov', and 'Ariza holatini tekshirish'.

1-расм. Интерактив давлат хизматлари порталининг асосий ойнаси

The screenshot shows the login page for the 'One ID' system, which provides access to various state services. The page is available in O'zbekcha (Uzbek), Русский (Russian), and English. It features a large circular logo with the text 'ONE ID' in the center. Below the logo is a redacted login field and a redacted password field. A large blue button labeled 'Вход' (Enter) is positioned below the fields. At the bottom of the page, there are two links: 'Зарегистрироваться' (Register) and 'Забыли логин или пароль?' (Forgot login or password?).

2-расм. Интерактив давлат хизматлари порталаига кириши ойнаси

Регистрация пользователя

1 Идентификация лица 2 Подтверждение данных 3 Ввод контактных данных

Метод регистрации	<input type="radio"/> С помощью ЭЦП <input checked="" type="radio"/> Без ЭЦП
*ПИН ФЛ	Персональный Идентификационный Номер Физического Лица
*Серия и номер паспорта	

* Поля, отмеченные "*" обязательны для заполнения

Назад Далее

OZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN
 PAPORT PASSPORT DOCUMENT TYPE: P OVALAT NOMER/DOCUMENT CODE: UZB
 AA 00000001
 FAMILIYASI: SURNAME XXXX
 IMI/GIVEN NAMES XXXX
 FIZIQUE/SEX: GENDER: M
 TOSHLAR SAMANDI/DATE OF BIRTH: 01.01.1990
 JAMI/PLACE OF BIRTH: TASHKENT
 SIZGAN SAMANDI/DATE OF PERSONALISATION: 08.08.2022
 AVAL/GIVEN NUMBER/DATE OF EXPIRY: 12.08.2022
 PERSONALISATION ORGAN/AGENCY: STATE PERSONALIZATION CENTRE
 P<UZBXXX><XXXX><XXXXXXXXXXXX><XXXXXXXXXXXX>
 AA0000001UZB8501019M22081213010180005001404
 ПИН ФЛ - ПЕРСОНАЛЬНЫЙ ИДЕНТИФИКАЦИОННЫЙ НОМЕР ФИЗИЧЕСКОГО ЛИЦА (16 цифр)
 ИНДЕКС ПОЛА И ВЕКА РОЖДЕНИЯ
 КОД РАЙОНА ГОРОДА
 ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР ГРАЖДАНИНА
 КОНТРОЛЬНАЯ ЦИФРА
 3 : 010180 : 005 : 001 : 4

3-расм. Ягона идентификациялаши тизимидаан ЭРИсиз рўйхатдан ўтиши ойнаси.

2-амалий машғулот. Мультимедиали электрон ўқув материаллари тайёрлаш технологиялари

Талабаларнинг билимларини синаш учун тестлардан фойдаланиш уларнинг объективлигини оширади ва мустақил иш даражасини, ўқув жараёнининг самарадорлигини одатда яхшилайдиган талабаларнинг фикрлаш тарзини аниқлаш имконини беради.

Талабалар томонидан тест топшириқларини бажариш ва ўқитувчининг кейинги таҳлиллари ўқув жараёнини ўз вақтида тузатишга ёрдам беради, ҳар бир талабага индивидуал ёндашувни топади.

Агар қоғоз устида тестлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда фақат синовлар интерактивлиги ҳақида гаплашамиз. Интерактивлик фақат синовдан мустақил дастур шаклида ва онлайн синовдан фойдаланилганда мумкин.

Онлайн синовнинг фойдалари:

1. Вақтни тежаш, чунки тестлар яратилаётганда репликатсия осон ва тест натижаларига осонгина кириш мумкин.
2. Натижаларни қайта ишлаш ва тест натижаларини ўқувчиларга етказиш учун вақтни қисқартириш.
3. Тестни ўтказиша ўқитувчи вақтни тежаш.
4. Синов натижаларини сақлашда қулайлик.

Ispring QuizMaker дастури

Дастурда яратилган тестлар ва сўровлар SCORM ёки AISS стандартларини қўллаб-куватлайдиган ҳар қандай масофавий таълим тизимида осонгина нашр этилиши мумкин, электрон почта орқали

юборилади, Интернетда чоп этиш учун мос келадиган ва маҳаллий ёки оддий тарзда MS Word тестининг қоғоз варианти яратиш.

Дастурнинг асосий хусусиятлари:

- 23 турдаги савол
- Мультимедиядан фойдаланиш имконияти
- Шарҳ қўшиш
- Бўлимнинг сценарийси
- Саволларни тасодифий танлаш.


Дастур ўқувчилар учун яратилган ва ишлайдиган қулай, қулай интерфейсга эга. Саволлар ва жавоблар ёрдамида графикалар, формулалар, мултимедия, Флаш-анимация фойдаланишингиз мумкин. Бу сизнинг ишингизни янада жозибадор қилмасдан, шунингдек, талабаларнинг таклиф этилган вазифалар ҳақидаги фикрларини яхшилашга ёрдам беради.

Ва энг муҳими, тест ўтказиш шартларини яратиш имконияти: вақтни ўтиш, балдан ўтиш, дастурнинг тўғри ва нотўғри жавоб бериш ва барча тестни якунлаш учун реактсиясини ўзгартириш. Дастур ҳақида батафсил маълумот компания веб-сайтининг сахифасида топишингиз мумкин.

Мултимедия технологиялари ўқув жараёнини бойитади, таълим олиш маълумотларини қабул қилиш жараёнида талабаларнинг ҳиссий таркибий қисмларининг аксарият қисмини ўз ичига олади.


Бугунги кунда мултимедия технологиялари таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Дастурний таъминотни такомиллаштириш ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг малакали кадрлар малакасини ошириш, замонавий ахборот технологияларини таълимга муваффақиятли татбиқ этиш истиқболлари қузатилмоқда.

Ispring Suite дастурини ўрнатгандан сўнг иш столига қуйидаги ҳаволаларни чиқариб беради:




2. Ispring Suite дастури компонентлари

1. Ispring QuizMaker компонентаси орқали интерактив тестлар яратиш мумкин.
2. Ispring Kinetics электрон китоблар яратиш мумкин.
3. Ispring Pro орқали Power Point дастурида тақдимотга интерактив объектлар бириттириш мумкин.
4. Ispring Suite компонентаси эса юқоридаги учта компонентни биттага жамловчи ҳавола холос.



3. Дастур ишига тушганда дастлаб шу ойна очилади

Интерактив тестлар яратиш учун создать новый тест буйруғини танлаймиз. Ва қуидаги дастур интерфейси ҳосил бўлади:



4. Ispring QuizMaker дастурининг интерфейси.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Шахс эгаллаб турган туар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, қўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшишиб бориш фақат ушбу кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин. Қанча ахборот мавжуд? Ортиб бориши бўйича қўрсатинг.

2. Суд қарори 35 бет, унга 29 бет гувоҳлар маълумотномаси қўшилди. Суд қарорини ҳар бир бетида 315 та белги мавжуд. Гувоҳлар маълумотномасида 217 та белги мавжуд. Иш тамом бўлганида умумий ахборот ўлчами неча Кб бўлади?

3. Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбордor бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни қўришлари шарт. Ушбу ахборот тармоқ тезлиги 94 бит/сек бўлганда тармоқ орқали жўнатиш учун неча секунт кетади?

4. Ахборотларни ташкилот ходимлари компьютердан иккинчисига узатиши учун бир неча усулларни қўллашни таклиф қилишди. Ҳар бир ходим ўзини фикрини билдириди улардан қайси бири нотўғри фикр билдирган ва нима учун нотўғрилигини асослаб беринг?

- 1-ходим: Ахборотни USB-флеш қурилмасига ёзиш орқали
- 2-ходим: Ахборотни электрон почтага юбориш орқали (Интернетга уланган ҳолда)
- 3-ходим: Ахборотни CD-дискка ёзиш орқали
- 4-ходим: Электр манбаа симлари орқали.

5. Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарап ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим. Аниқ ахборотни қандай реквизитлар орқали ва қайси тизимдан қидириб топиш мумкин.

6. Барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар қўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора қўрилади. Қанча

ахборот мавжуд? Ортиб бориши бўйича кўрсатинг (бўш жойларни битта жой деб сананг).

7. Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва худудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, қўздан кечириш, алоқа муассасаларида почтателеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин. Ушбу ахборот тармоқ тезлиги 45 бит/сек бўлганда тармоқ орқали жўнатиш учун неча секунт кетади?

8. Ёш мутахассис биринчи суд ишини кўриб чиқаётганида жуда мураккаб ишни қарорини қабул қилишига тўғри келди. Бунда Англия судларини қоидаларига риоя қилган ҳолда олдинги шунга ўхшашиб ишларга малакали судьялар қандай қарорлар чиқарганини қўриши ва улардан холоса қилиши учун қандай йўл тутиши керак. Архивлардан ишларни кўтариш ва запрос бериши учун анча вақт кетади. Қарорни эртага чиқариши керак. Муаммони ечимини ва натижаларини беринг.

9. Ҳуқуқий ахборотни, ҳуқуқий ташкилотлар орасида локал тармоқда юбориш учун очиқ тармоқда жўнатиш мумкин эмас. Демак буни маъсус дастурлар орқали ёки рақамли имзо орқали жўнатиш керак деб маълумотни жўнатмасдан тўхтатиб қўйилди. Муаммони ечимини топинг ва натижани жадвалга тўлдиринг.

Кейснинг муаммоси	Ечими	Натижаси
Қанақа муаммо турибди	Қандай ечими бор	Қанақа натижага эга бўлади.

10. Тингловчилар гурух бўйича жорий назоратни муддатидан ўтмаган ҳолда вақтида топшириши керак. Тингловчилар амалиётда ҳар хил ташкилотларда иш ўрганишга чиқиб кетган. Аммо топшириқни уларга шу бугун етказиши ва уларга тақдимот қилиб бериши керак. Шу вақтни ўзида уларни ўрганганлик даражасини билиши учун қандай усусларни ва таълимий ресурларни қўллаш мумкин.

11. Хусусий ташкилот ходимлар бошлиғи аввал судланган фуқарони ҳар хил важлар кўрсатиб ишга олмаслигини айтди. Фуқаро ўз ҳак ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун ўзи учун тегишли ҳуқуқий ахборотларни

тезлик билан қандай билиши мүмкін? Улар устидан қандай қилиб юқори ташкилоттарға үйдан чиқмаган ҳолда мурожат қилиши мүмкін?

12. Қуида келтирилген расмни изохланг бу қандай дастур ойнаси ва ойнага кириб нималарни анықлаш мүмкін?

The screenshot shows a software interface for managing emails. At the top, there are tabs: Главная (Home), Почта (Email), Отчеты (Reports), Кадры (HR), Настройки (Settings), Помощь (Help). The user is identified as Исломов Б.Т. (Isimov B.T.) with a green 'Germes Agent' badge and a 'Выход' (Logout) button. On the left, there's a sidebar with Ящики (Folders) and Внутренняя переписка (Internal communication). Under Ящики, there are links for Написать письмо (Write a message), Входящие (0/30), and Исходящие (0/4). The main area is titled 'Исходящие' (Outgoing) and contains a table of messages. The table has columns: Кому (To), Тема (Subject), Дата (Date), and Удалить (Delete). One row is visible, listing recipients: Камалов М.М., Эсанова З.Н., Азизов Н.А., Азизов Х.Т., Ахмедшаева М.А., Бабаев Д.И., Борснева З.Х., Зулфиков Ш.Х., Исломов Б.Т., Махкамов Д.Н., Носирходжаева Г.А., Рустамбеков И.Р., Тухташева У.А., Шарипова У.А., Эгамбердиев А.У., Тулаганова Г.З., Махкамов О.М., Саримсакова Г.К., Хабибуллаев Д.Ю., Саматова Б.Р. The subject is Конференция ахборот хати, the date is 12.04.2016, and the delete button is labeled Удалить.

Кому	Тема	Дата	
Камалов М.М., Эсанова З.Н., Азизов Н.А., Азизов Х.Т., Ахмедшаева М.А., Бабаев Д.И., Борснева З.Х., Зулфиков Ш.Х., Исломов Б.Т., Махкамов Д.Н., Носирходжаева Г.А., Рустамбеков И.Р., Тухташева У.А., Шарипова У.А., Эгамбердиев А.У., Тулаганова Г.З., Махкамов О.М., Саримсакова Г.К., Хабибуллаев Д.Ю., Саматова Б.Р.	Конференция ахборот хати	12.04.2016	Удалить

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Action	Иловада Intent орқали жўнатилувчи хабар	A description of something that an Intent sender wants done. An action is a string value assigned to an Intent.
WoS	Web of Science халқаро илмий, техник маълумотлар базаси	Web of Science, an online academic database
Intent	Иловада ойналар/activity бўйлаб жўнатилувчи хабар обьекти	An message object that you can use to launch or communicate with other applications/activities asynchronously.
OS (Operating System)	Операцион тизим. Қурилмадаги энг муҳим дастур	Operating System. The most important program on a device.
актив веб-сахифа	Айни пайтда очик веб-сахифа	Active webpage- is a web document that is suitable for the World Wide Web and the web browser.
алоқа канали	Маълумотлар узатиш канали	communication channel-channel, refers either to a physical transmission medium such as a wire.
аналог	Узлуксиз шаклда акс этувчи тўхтовсиз ўзгарувчи физикавий катталиклар ёки маълумотлар ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланувчи жараёнлар ва функционал қурилмаларга тегишли таъриф	Analog- a literary work that shares motifs, characters or events with another, but is not directly derived from it.
APIDS	Амалий протоколларга асосланган ёриб киришларни аниқлаш тизими	Application protocol-based intrusion detection system

Ахборий-хукуқий тизим	Компьютерга ўрнатиладиган ва маҳсус дастурӣ мажмуа ёрдамида турли излаш вазифаларини (актларни хужжат номи, қабул қилинган санаси, меъёрий акт тури ва ҳ.к. бўйича излаш) бажариши мумкин бўлган хукуқий ахборотнинг автоматлаштирилган маълумотлар банки	Information legal system- is any organized system for the collection, organization, storage and communication of information. More specifically, it is the study of complementary networks that people and organizations use to collect, filter, process, create and distribute data.
Resources	илюва учун керакли бўлган ресурслар (расм, аудио, видео ва бошқа файллар)	Nonprogrammatic application components that are external to the compiled application code, but which can be loaded from application code using a well-known reference format.
Service	илюваорти хизматлар яратиш учун синф	An object of class Service that runs in the background (without any UI presence) to perform various persistent actions, such as playing music or monitoring network activity.
Surface	Canvas обьектини бошқариш учун обьект типи	An object of type Surface representing a block of memory that gets composited to the screen.
CMS	Контентни бошқариш тизими	Content management system- is a computer application that supports the creation and modification of digital content using a common user interface and thus usually supporting multiple users working in a collaborative environment.
Контроллер	Ихтисослашган процессор. Унинг ёрдамида компьютерга ташқи	Controller- a chip or expansion card that interfaces with a peripheral device

	курилмалар уланади	
Логин	Фойдаланувчининг компьютер ёки тармоқдан фойдаланиш жараёни. Компьютердан фойдаланишга эга бўлиш учун фойдаланилувчи қайд ёзуви номи. Махфий эмас	Login-is the process by which an individual gains access to a computer system by identifying and authenticating themselves
ADSL	Асимметрик рақамли абонент линияси. Маълумотларни телефон линиялари бўйлаб юқори тезлик билан узатиш технологияси. DSL оиласига мансуб технологиялардан бiri	Asymmetric Digital Subscriber Line
Windows	иловани интерфейсларини яратиш учун абстракт синф	In an Android application, an object derived from the abstract class Windowthat specifies the elements of a generic window, such as the look and feel (title bar text, location and content of menus, and so on).
Контент- провайдер	Фойдаланувчиларга муайян ахборот ёки кўнгил очадиган хизматларни кўрсатувчи ташкилот	Content-provider- is a popular telecommunications industry term for non-core services, or in short, all services.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. David Moursund Introduction to Information and Communication Technology in Education., Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 97405 moursund@oregon.uoregon.edu
2. Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA.
3. Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 726
4. С.С.Қосимов. Ахборот технологиялари. Тошкент., 2006 йил. ТАТУ.
5. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари – Т.: “Шарқ”, 2000 й.

Интернет ресурслари:

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.minjust.uz>
4. <http://www.legislature.uk>
5. <http://www.law.uk.edu>
6. <http://www.juristlib.uk>
7. www.cavendishpublishing.com
8. <http://www.yurida.uz>
9. <http://www.unicon.uz>